ос. книжная палата УзССР

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

9 СЕНТЯБРЬ, 1982 ЙИЛ, ПАЙШАНБА № 205 (2.611). Баҳоси 3 тийин.

Шофриқон районидаги Ленин номли колхоз пахтазорларида «зангори кема»лар ёрдамида «оқ олтин» териш ишлари бошлаб юборилди. Теримда С. Бурҳонова алоҳида ибрат кўрсатмоқда. Унинг бу йилги мажбуриятни 300 тонна пахта теришдир.

А. Мирзажонов фотоси. (ЎзТАГ).

ВАҚТ ҒАНИМАТ, СУРЪАТГА СУРЪАТ ҚЎШИНГ

МАТБУОТ ВА ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИ

Совет кишиларининг корхоналардаги, қурилишлардаги, қишлоқ эгинзорларидаги, фан ва маданият соҳасидаги бунёдкорлик меҳнати минг-минглаб новаторларни, беш йиллик илғорларини юзага келтирмоқда. Пешқадамларнинг намунаси уларнинг кетидан бораётганлар йўлини ёритиб турибди. Ишлаб чиқаришни интенсивлаш тажрибаси, камроқ чиқим қилиб, юксак пировард натижаларга эришиш маҳорати — бебаҳо ижтимоий бойликдир. КПСС XXVI съезди илғор тажрибани ўз вақтида умумлаштириш ва планли равишда оммалаштиришни таъминлаш вазифасини қўйди. Бу вазифани ҳал этишда матбуотимиз, телевидение ва радио эшитириш масъулиятли роль ўйнайди.

Совет матбуотини тўла ҳуқуқ билан хўжалик юритиш ва бошқариш энг яхши тажрибасининг оммавий, коллектив мактаби деса бўлади. Ташаббускор ишларнинг, социалистик мусобақа моҳирона ташкил этилишининг намуналарини пропаганда қилиш, бу намуналар кенг миқёсда, тез жорий этилишига интилиш— журналистлар учун ижодий қонда бўлиб қолган. Ижодий изланиш йўлидан бораётган кишилар, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришнинг янги резервларини очаётган ва ўз касбкор маҳоратини бошқаларга саҳоват билан ўргатаётган кишилар матбуот, телевидение, радио орқали мақтов сўзлари эшитишга, актив қўллаб-қувватланишга лойиқдирлар.

Кўпгина нашрлар кейинги вақтларда мана шундай материалларни тайёрлашга эътиборни анча кучайтирди. «Челябинский рабочий» газетаси беш йиллик пешқадамлари тажрибасини тўлиқроқ тасвирлаб беришга интилмоқда. «Кузбасс» газетасининг тежамкор, омилкор меҳнатчилар тажрибасини ёритувчи мақола ва очерклари газетхонларга манзур бўлмоқда. «Южный Урал» [Оренбург] газетаси ҳосил ўримидаги илғор методларни қунт билан пропаганда қилмоқда, механизаторларнинг ташаббусини кўрсатиб бермоқда. Шу тариқа матбуот янги, илғор усулларнинг қарор топишига кўмаклашмоқда. Журналистларнинг бу соҳадаги изланишларини муттасил ривожлантириш ва чуқурлаштириш, матбуотнинг чиқишлари шу беш йилликда партия ташкилоти, меҳнат коллективлари олдида турган вазифаларни ҳал этишга янада активроқ кўмаклашишига интилиш лозим.

Ички резервларни очиб беришга, меҳнатни ташкил этишнинг бригада формаларини, шунингдек, одамларга ўз ишига чинакам ижодий ёндошиш фазилатларини тарбиялаш тажрибасини ривожлантиришга қаратилган яхши ташаббусларга матбуот алоҳида эътибор бериши лозим. Меҳнат коллективларининг турмушини батафсил, атрофлича ёритиш, уларнинг инсон шахси камол топишига, унинг ишчанлик ва ғоявий-аҳлоқий фазилатлари шакланишига таъсирини кўрсатиб бериш зарур. Чунки ишлаб чиқаришда новаторлари айни коллективда юзага чиқиб, воғга етади, меҳнатнинг самарадорлиги, маҳсулотнинг сифати ошиб бориши, фан ва техника ютуқлари, илғорларининг янгиликлари асосида қувватлардан жуда тўла-тўкис фойдаланиши таъминланади.

Озиқ-овқат программаси қандай бажарилаётганлигини ёритиш ҳам журналистлардан доимий изланишни талаб қилади. Матбуот ўз чиқишларида ижобий намунанинг кучига асосий эътиборни қаратиши, меҳнатни ва бошқарувни моҳирона ташкил этиш, ташаббускорлик туфайли ишлаб чиқаришни ўстириш, дала ва фермалар маҳсулоти сифатини яхшилашга эришаётган совхозлар, колхозлар, агросаноат бирлашмалари тажрибасини чуқур таҳлил этиб, ёритиб бериши муҳимдир.

Матбуотнинг шундай чиқишлари самарадорлиги, уларнинг ижтимоий таъсирчанлиги — биринчи даражали масаладир. Шуни эътироф қилиш керакки, баъзи редакцияларда матбуотнинг обрўси ва таъсирчанлиги тўғрисида танқидий материалларнинг миқдори ва улар юзасидан кўрилган чораларгачи қараб фикр юритиш одат бўлиб қолган. Бу — масалага бир томонлама ёндошишдир. Илғор тажриба тўғрисидаги материаллар матбуотимиз таъсири ва ҳаракатчанлигининг муҳим кўрсаткичидир, бу материаллар тўғрисида партия комитетлари ва редакция коллективлари кун сайин ғамхўрлик қилишлари керак.

Аввлао бундай материалларнинг конкретлигини, мазмундорлигини оширишни таъминлаб, уларнинг публицистик эҳтиросини кучайтириб, муваффақиятга эришиш мумкин. Новаторлар ва унинг усуллари тўғрисида материал эълон қилинганидан кейин илғорларнинг ютуғини такрорлаш, қўлайтириш иштиёқида бўлган кишилар сафи ортиб борган тақдирдагина матбуот органининг актив позицияси тўла-тўкис намоён бўлади. Ҳар бир нашр меҳнатдаги янгиликларни, энг яхши намуналарни жорий этишнинг жанговар ташкилотчиси бўлиб қолиши, бу ишда партия, касаба союз комитетларининг етакчилик ролини кўрсатиб бериши керак.

Кўпгина газеталар учун характерли бўлган нуқсон нималардан иборат? Қисқа қилиб айтганда қатъий белгилаб олинган йўлнинг, изчиллик ва собитқадамликнинг йўқлигидан иборат. Айтайлик, «Тургайская новь» газетаси [Орқалик] ўз вақтида «Железнодорожный» совхозининг «Бугун —рекорд, эртага — ҳаммаларнинг ютуғи» шиори остида ишлаётган сут соғувчилар тўғрисида қизиқарли мақола босиб чиқарган эди. Унда коллективнинг ажойиб муваффақиятлари ҳақида ўтилган эди. Аммо ибратли тажриба тўғрисидаги ҳикоя газетада ёрқин тарзда давом эттирилмади. Кўтариб чиқилган мавзуни ривожлантира билмаслик, амалий натижага эриша олмаслик бошқа нашрларга ҳам хос нуқсондир. Қимматли ташаббусларнинг жорий этилишига халақит берадиган сабабларни пухта таҳлил этиш, очиб ташлаш ҳам матбуотнинг бурчидир.

Баъзан матбуотнинг шу мавзудаги чиқишлари технологияни тасвир этишдан, эҳтиросиз баён этишдангина иборат бўлиб қолмоқда. Бундай материалларда инсоннинг ўзи кўринмайди. Тажрибанинг моҳиятини, унинг ижтимоий-иқтисодий фазилатларини шаклланишига таъсирини кўрсатиб бериш зарур. Чунки ишлаб чиқаришда новаторлари айни коллективда юзага чиқиб, воғга етади, меҳнатнинг самарадорлиги, маҳсулотнинг сифати ошиб бориши, фан ва техника ютуқлари, илғорларининг янгиликлари асосида қувватлардан жуда тўла-тўкис фойдаланиши таъминланади.

Матбуотнинг шундай чиқишлари самарадорлиги, уларнинг ижтимоий таъсирчанлиги — биринчи даражали масаладир. Шуни эътироф қилиш керакки, баъзи редакцияларда матбуотнинг обрўси ва таъсирчанлиги тўғрисида танқидий материалларнинг миқдори ва улар юзасидан кўрилган чораларгачи қараб фикр юритиш одат бўлиб қолган. Бу — масалага бир томонлама ёндошишдир. Илғор тажриба тўғрисидаги материаллар матбуотимиз таъсири ва ҳаракатчанлигининг муҳим кўрсаткичидир, бу материаллар тўғрисида партия комитетлари ва редакция коллективлари кун сайин ғамхўрлик қилишлари керак.

Аввлао бундай материалларнинг конкретлигини, мазмундорлигини оширишни таъминлаб, уларнинг публицистик эҳтиросини кучайтириб, муваффақиятга эришиш мумкин. Новаторлар ва унинг усуллари тўғрисида материал эълон қилинганидан кейин илғорларнинг ютуғини такрорлаш, қўлайтириш иштиёқида бўлган кишилар сафи ортиб борган тақдирдагина матбуот органининг актив позицияси тўла-тўкис намоён бўлади. Ҳар бир нашр меҳнатдаги янгиликларни, энг яхши намуналарни жорий этишнинг жанговар ташкилотчиси бўлиб қолиши, бу ишда партия, касаба союз комитетларининг етакчилик ролини кўрсатиб бериши керак.

Кўпгина газеталар учун характерли бўлган нуқсон нималардан иборат? Қисқа қилиб айтганда қатъий белгилаб олинган йўлнинг, изчиллик ва собитқадамликнинг йўқлигидан иборат. Айтайлик, «Тургайская новь» газетаси [Орқалик] ўз вақтида «Железнодорожный» совхозининг «Бугун —рекорд, эртага — ҳаммаларнинг ютуғи» шиори остида ишлаётган сут соғувчилар тўғрисида қизиқарли мақола босиб чиқарган эди. Унда коллективнинг ажойиб муваффақиятлари ҳақида ўтилган эди. Аммо ибратли тажриба тўғрисидаги ҳикоя газетада ёрқин тарзда давом эттирилмади. Кўтариб чиқилган мавзуни ривожлантира билмаслик, амалий натижага эриша олмаслик бошқа нашрларга ҳам хос нуқсондир. Қимматли ташаббусларнинг жорий этилишига халақит берадиган сабабларни пухта таҳлил этиш, очиб ташлаш ҳам матбуотнинг бурчидир.

Баъзан матбуотнинг шу мавзудаги чиқишлари технологияни тасвир этишдан, эҳтиросиз баён этишдангина иборат бўлиб қолмоқда. Бундай материалларда инсоннинг ўзи кўринмайди. Тажрибанинг моҳиятини, унинг ижтимоий-иқтисодий фазилатларини шаклланишига таъсирини кўрсатиб бериш зарур. Чунки ишлаб чиқаришда новаторлари айни коллективда юзага чиқиб, воғга етади, меҳнатнинг самарадорлиги, маҳсулотнинг сифати ошиб бориши, фан ва техника ютуқлари, илғорларининг янгиликлари асосида қувватлардан жуда тўла-тўкис фойдаланиши таъминланади.

**Озиқ-овқат программаси қандай бажарилаётганлигини ёритиш ҳам журналистлардан доимий изланишни талаб қилади. Матбуот ўз чиқишларида ижобий намунанинг кучига асосий эътиборни қаратиши, меҳнатни ва бошқарувни моҳирона ташкил этиш, ташаббускорлик туфайли ишлаб чиқаришни ўстириш, дала ва фермалар маҳсулоти сифатини яхшилашга эришаётган совхозлар, колхозлар, агросаноат бирлашмалари тажрибасини чуқур таҳлил этиб, ёритиб бериши муҳимдир

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ

ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

7 сентябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов раислигида СССР Олий Совети Президиумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Президиум халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш борасида халқ депутатлари Советларининг вазифаларини муҳокама этиб, шу ҳақда қарор қабул қилди. Қарорда КПСС XXVI съезднинг йўл-йўриқларига асосланиб, Советлар барча бўғинларининг, уларнинг ижроия органлари ва фармойиш берувчи органларининг, доимий комиссиялари ҳамда депутатларнинг шу соҳадаги иш йўналишлари белгиланган.

Халқ депутатлари Советларига ўзларига бўйсунган корхоналарда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ўстириш ва уларнинг сифатини яхшилашни таъминлаш юзасидан амалий тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш, ўз территорияларида жойлашган ва юқори идораларга бўйсунган бирлашмалар, корхоналар ҳамда ташкилотларнинг аҳоли учун моллар ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва контроллик қилиш борасида қонун бериб қўйган ваколатларни актив қўлланиш таклиф этилди. Харидоргир моллар ишлаб чиқариш масалаларини халқ депутатлари Советларнинг сессияларида, Советлар ижроия комитетлари ва доимий комиссияларнинг мажлисларида мунтазам равишда кўриб чиқиш, план топшириқларини ва социалистик мажбуриятлар бажарилиши устидан контролликкa зўр эътибор бериш, хўжалик раҳбарларига талабчанликни ошириш, ушбу масалалар юзасидан Советларнинг қарорлари ва сайловчиларнинг наказлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида аҳолини мунтазам суратда хабардор қилиб туриш зарурлиги уқтириб ўтилди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш билан боғлиқ корхоналарнинг меҳнат коллективларидаги депутатлик группалари ва депутатлик постларининг, халқ депутатларининг ишларини янада активлаштириш вазифаси таъкидланди. Иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советларининг Президиумларига халқ депутатлари маҳаллий Советларининг аҳоли учун моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эътиборини кучайтириш тавсия этилди.

Сўнгра СССР Олий Совети Президиуми Туркманистон ССР халқ депутатлари Советларининг КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорлари асосида уй-жой қурилишини ва қишлоқ аҳолисига коммунал маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш борасидаги иш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Туркманистон ССР Олий Совети Президиуми Ранси Б. Эзқулиев билан СССР Олий Совети Миллатлар Совети уй-жой-коммунал хўжалиги ва маиший хизмат комиссияси раиси В. В. Никитиннинг ахборотларида Туркманистон ССР халқ депутатлари Советларининг қишлоқни социал ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг уй-жой, коммунал-маиший шароитлари ва бошқа турмуш шароитларини яхшилаш соҳасидаги иши анализ қилиб берилди.

Тўққизинчи ва ўнинчи беш йилликлар мобайнида республиканинг қишлоқ жойларида жами саҳни 5 миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой бинолари барпо этилганлиги қайд этиб ўтилди. 1090 километрдан кўпроқ водопровод, канализация, иссиқлик ва газ шохобчалари фойдаланишга топширилди, квартираларнинг 86 проценти газлаштирилди. Йўллар қурилишига, қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва кўкламзорлаштиришга ажратилаётган маҳаллий буюджетларнинг маблағларидан актив фойдаланилмоқда. Шу билан бирга ишдаги мавжуд камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари тўғрисида гапирилди.

Мажлисда сўзга чиққан Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. Ф. Ватченко кўриб чиқилаётган масаланинг муҳимлигини қайд этиб, Украина ССР Советларининг қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш, қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш борасидаги иш тажрибаси тўғрисида сўзлаб берди. аҳолининг талаб-эҳтиёжларини қондириш, кооператив қурилишни ривожлантириш, шаҳарнинг қишлоққа оталиқ ёрдамини такомиллаштириш юзасидан ваколатли органларнинг фаолиятини янада активлаштиришга. Советлар доимий комиссияларининг, депутатлик группалари ва постларининг иш самарадорлигини кучайтиришга қаратилган бир қанча таклифларни айтди.

СССР Олий Совети Президиумининг қарорида Туркманистон ССР Олий Совети Президиуми билан Министрлар Советига КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми йўл-йўриқларига мувофиқ қишлоқда уй-жой водопровод, канализация, иссиқлик шохобчалари ва бошқа объектлар қурилишини янада кўпайтириш юзасидан зарур чораларни кўриш, уй-жой биноларини, коммунал хўжалик объектларини асраш ва улардан тўғри фойдаланиш, уларни ўз вақтида капитал ремонт қилиш масалаларига кўпроқ эътибор бериш топширилди. Қишлоқ аҳолисига коммунал-маиший хизматни кенгайтириш ва яхшилашда, бу ишдаги мавжуд жиддий нуқсонларни бартараф этишда халқ депутатлари маҳаллий Советлари билан уларнинг ижроия комитетлари ролини ошириш тавсия этилди. Улар ишлаб турган корхоналарнинг қувватларидан тўлароқ фойдаланишни, айниқса олис аҳоли пунктларида ва олис яйловларда қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатишнинг янги турлари ва формаларини активроқ жорий этишни таъминлашлари, маиший хизмат корхоналари иши устидан, хизматларнинг бажарилиши сифати устидан контроллиқни кучайтиришлари, бу ишга халқ депутатларини, жамоат ташкилотларининг органлари ва активларини кенгроқ жалб этишлари керак.

Президиум мамлакатнинг озиқ-овқат ресурсларини тўлдириш учун ички сув ҳавзаларида балиқ запасларини муҳофаза қилиш ва уларни урчитиб кўпайтириш ҳамда балиқ етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги қонун талаблари қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди.

СССР балиқ хўжалиги министри В. М. Каменцевнинг докладида ва СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш комиссиясининг депутат Л. А. Бородин қилган қўшимча докладида КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларига мувофиқ министрлик, маҳаллий совет органлари ички сув ҳавзаларида балиқ запасларини муҳофаза қилиш, уларни урчитиб кўпайтиришни яхшилаш ҳамда шу соҳадаги қонун талабларини бажаришни таъминлаш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш борасидаги ишлари тўғрисида гапирилди.

Мажлисда қайд этиб ўтилганидек, кўпгина министрликлар ва идоралар балиқ хўжаликлари иш олиб бораётган сув ҳавзаларини булғанишдан муҳофаза қилиш юзасидан қонунда белгиланган қоидалар бажарилишига доир зарур тадбирларни амалга оширмаяптилар, сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш тадбирларига ажратилаётган капитал маблағлар тўла ўзлаштирилишига эришмаяптилар, тозалаш иншоотларини қуриш планларини бажармаяптилар. СССР Балиқ хўжалиги министрлиги, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, халқ депутатлари маҳаллий Советлари балиқ запасларини муҳофаза қилиш ва уларни урчитиб кўпайтириш тўғрисидаги қонунга риоя этилиши устидан ўз зиммаларига юкланган давлат назоратини амалга ошириш борасидаги ваколатларидан тўла даражада фойдаланмаяптилар, совет қонунлари бузилишининг пайини қирқишда ҳамиша ҳам етарлича сабот-матонат кўрсатмаяптилар.

Эстония ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Г. Кэбин балиқ хўжалигини ривожлантиришнинг, ички сув ҳавзаларини мамлакат озиқ-овқат ресурсларини тўлдиришда ишончли манбага айлантиришнинг катта имкониятларига эътиборни жалб қилди.

Президиум қабул қилган қарорда халқ депутатлари Советлари ва шунга ваколатли бошқа давлат органлари балиқ запасларини муҳофаза қилиш ҳамда уларни урчитиб кўпайтириш тўғрисидаги қонун талабларига риоя этилиши устидан контролни кучайтиришлари зарур деб ҳисоблади. СССР Балиқ хўжалиги министрлигига, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига КПСС XXVI съезднинг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумининг қарорларига амал қилиб, мамлакатнинг ички сув ҳавзаларида балиқ етиштириш суръатларини изчил ошириб боришни таъминлаш, балиқ запасларини муҳофаза қилиш борасида белгиланган қоидаларга риоя этилиши устидан қатъий контроль қилиб туришни амалга ошириш тавсия этилди. Халқ депутатлари Советларига товар балиқ етиштиришни кўпайтириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш учун колхозлар, совхозлар, балиқчилик хўжаликлари ички сув ҳавзаларнинг имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланишга қаратилган ишларни активлаштириш; илғор балиқ хўжалиги корхоналари, колхозлар ва совхозлар, саноат, қишлоқ хўжалик корхоналари ва бошқа корхоналар ҳузуридаги ёрдамчи балиқ хўжаликларининг иш тажрибаларини кенгроқ ёйиш; корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар балиқ запасларини муҳофаза қилиш ва уларни урчитиб кўпайтириш тўғрисидаги қонунларни қандай бажараётганликларини мунтазам равишда текшириб туришни таъминлаш, совет қонунларини бузувчиларни жавобгарликка тортиш зарурлиги кўрсатилди.

СССР Химия саноати министрлиги, СССР Минерал ўғит ишлаб чиқариш министрлиги, СССР Қора металлургия министрлиги, СССР Рангли металлургия министрлиги, СССР Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати министрлиги, шунингдек, СССР Ички ишлар министрлиги ва СССР Прокуратурасига тегишли тавсиялар берилди.

Сўнгра Президиум Ўзбекистон ССР халқ депутаталари Советларининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тўғрисидаги ва кўп болали оналарни мукофотлаш ҳақидаги қонун талаблари бажарилишини таъминлаш борасидаги ишига оид масалани муҳокама қилди. Бу масала юзасидан Ўзбекистон СССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, СССР Олий Совети депутати З. Д. Кулбекова сўзга чиқдилар. Республика халқ депутаталари Советлари хотин-қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга тобора кенгроқ жалб этиш, уларни сиёсий, иқтисодий, социал ва маданий ҳаётда актив иштирок қилиши билан боғлиқ хилма-хил ишларни амалга ошираётганликлари учтириб ўтилди. Республикада болалар боғчалари, ясли-лари, мактаб-интернатларнинг тармоқларини кенгайтириш, медицина ва соғломлаштириш муассасаларини қуриш, шу мақсадлар учун корхоналар, колхозлар, совхозларнинг маблағлари ва маҳаллий ресурслардан фойдаланиш тадбирлари амалга оширилмоқда. Қонунга мувофиқ кўп болали оналар мукофотланмоқда. Шу билан бирга Ўзбекистон ССРдаги баъзи халқ депутатлари Советлари оналик ва болаликни муҳофаза қилишни яхшилаш масалаларини ҳал этиши лозим бўлган ташкилотлар ва муассасаларнинг ишини кўнгилдагидек йўллаб турмаётганликларига, шу соҳадаги қонунларга риоя этилиши устидан контроль қилиш юзасидан ўзларига бериб қўйилган ваколатдан тўла даражада фойдаланмаётганларига эътибор жалб қилинди.

Қабул қилинган қарорда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумига, республика халқ депутатлари маҳаллий Советларига оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, кўп болали оналарни маънавий рағбатлантириш борасидаги ишларни янада такомиллаштиришга, шу масалалар юзасидан корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолияти устидан контролликни кучайтиришга қаратилган қўшимча чораларни кўриш; мактабгача тарбия болалар муассасалари, туғруқхоналар, болалар касалхоналари ва поликлиникалари тармоқларини кенгайтириш ва ишини яхшилаш, уларни тегишли мутахассис кадрлар билан таъминлаш, болалар озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун республикада мавжуд имкониятлардан фойдаланишга кўпроқ эътибор бериш; хотин-қизлар меҳнати ва соғлиғини муҳофаза қилиш, кўп болали оналарнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш, уларга белгиланган имтиёз ва афзалликлар бериш тўғрисидаги қонунга сўзсиз риоя этилиши тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш тавсия этилди.

СССР Олий Совети Президиуми Ливандаги Исроил агрессияси муносабати билан Совет Иттифоқининг принципиал позициясини баён қилиш мақсадида 1982 йилнинг августида Жазоир, Иордания, Яман Халқ Демократик Республикаси, Марокаш, Сурия ва Тунисга бориб келган СССР Олий Совети делегацияларн визити натижаларини кўриб чиқди ва маъқуллади.

СССР Олий Совети Президиуми секретари М. П. Георгадзенинг ахборотига кўра, СССР орденлари, медаллари ва фахрий унвонлари тўғрисидаги умумий низомга мувофиқ мукофот ҳужжатларининг намуналарига зарур ўзгартишлар киритилди.

Мажлисда давлат ҳаётининг бошқа баъзи масалалари кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари В. В. Гришин, Г. В. Романов, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари И. Е. Поляков, С. Н. Имашев, П. Г. Гилашвили, К. А. Халилов, Б. Е. Саркисов, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Р. М. Мусин, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, СССРнинг бир қанча министрликлари, давлат комитетлари ва идораларининг раҳбарлари қатнашдилар.

(ТАСС).

Езёвон районидаги «Езёвон» совхозида чорвачилик ҳам пахтачилик каби жадал ривожланмоқда. Хўжалик чорвадорлари 480 бош сигирни намунали парвариш қилиб, давлатга мўл-кўл маҳсулот топшириш учун қурашмоқдалар. Айни пайтда бу йил 150 тонна гўшт сотиш ҳам кўзда тутилянти. Чорвадорлар ўртасидаги мусобақада комсомол аъзоси Рўзихон Суярова алоҳида намуна кўрсатяпти.

Суратда: пешқадам сут согувчи Р. Суярова.

Ш. Алимов фотоси. (ЎзТАГ).

ЭҲМ ПАХТАНИ ҚАБУЛ ҚИЛМОҚДА

Оқтепа пахта заводига янги ҳосил пахтасини бир неча прицепга ортиб келтирган тракторчи одатдагидек навбат кутиб турмади. Бир неча минут ичидаёқ пахтанинг вазни, сорти, намлиги, нечоғлик ифлослиги аниқлаб чиқилди ва электрон ҳисоб машинаси Тельман номли колхоздан 5 тонна олий проба «оқ олтин» қабул қилинганлиги тўғрисида шу заҳоти ҳужжат тайёрлаб берди.

Тошкентдаги «Сигнал» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи яратган ва бу ерда ўрнатилган пахта сифатини аниқловчи автомат система «АСПХ-1» шундай ишламоқда. Ғоят мураккаб электрон приборлар билан таъминланган ва ЭХМ билан бир комплекс бўлиб ишлайдиган янги система пахтанинг сифат кўрсаткичлари ҳолис аниқланишини гарантиялайди ва шу билан бирга бир соатда юз тоннагача пахта қабул қила олади.

Тошкент областининг Тўйтепа ва Оқтепа пахта заводларида шундай системалар ишлаб турибди. АСПХни қўллаб ишлаб чиқаришга тавсия этган давлат комиссияси унинг ғоятда самарали ишлашини қайд этди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, фақат биргина тайёрлаш пунктида ўрнатилган шундай система ҳар йили 57 минг сўм пулни тежашга имкон беради. «Сигнал» бирлашмаси беш йиллик охиригача Ўзбекистон ва мамлакатдаги бошқа пахтакор республикаларнинг ўзатдан кўп пахта заводларини шундай системалар билан жиҳозлайди.

(ЎзТАГ).

ЛЕНИНГРАДДА ҲАШАРНИ ҚАДРЛАМОҚДАЛАР

Кўпгина ленинградликлар учун «ҳашар» сўзини таржима қилмаса ҳам бўлади. Совет тузуми ўзбекларнинг қадимги одатини бойитиб, унга янги мазмун бахш этганлигини бу ерда билишади. «Ленинградская правда» газетаси «Хашар» деб сарлавҳа қўйилган мақоласида шу тўғрида ҳикоя қилади.

Газета совет қишисининг ажойиб фазилатлари, ленинча халқлар дўстлиги туфайли вужудга келган хусусиятлар ҳашарда намоён бўлиб, конкрет ифода этилаётганлигини яққол мисоллар билан кўрсатиб берган. Қаттиқ уруш йиллари Ленин шаҳрининг мард ҳимоячилари сафида ўзбекистонлик аскарлар ҳам бўлганлигини ленинградликлар ҳеч қачон унутмайдилар. Қамалдаги шаҳардан кўчирилган юз минглаб болалар ўзбек диёрида ўз уйини топиб, ўзбек меҳнаткашларининг қалб қўридан бахраманд бўлганликларини бу ердагилар яхши эслашади. Газетада берилган фотосурат ҳам шуни эслатади. Унда урушда етим қолган ўн тўрт болани ўз бағрига олган тошкентлик машҳур темирчи Шоаҳмад ака ва унинг рафиқаси Баҳри хола шарафига қурилган монумент ёнида Шомаҳмудовларнинг кўп миллатли оиласи тасвирланган.

Бугунги кундаги ҳашар, дейилади мақолада, ҳар бир халқнинг бошқа халқ ва бутун мамлакат равнақидан астойдил манфаатдор эканлигини кўрсатади. Газета шу гапни тасдиқлаш учун ленинградлик ва ўзбекистонлик олимларнинг Батан пахтачилигини ривожлантириш билан боғлиқ проблемаларни муваффақиятли ҳал этишдаги ижодий ҳамдўстликлари тўғрисида, Тошкентда янги кварталлар қуришда ленинградлик бинокорларнинг қўшган хиссалари ҳақида, Ноқоратупроқ зонани ўзлаштиришда, Байкал-Амур магистралини қуришда, Тюмень ўлкасини ўзлаштиришда Ўзбекистон меҳнаткашларининг актив қатнашаётганлиги тўғрисида ҳикоя қилади. Собиқ танкчи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Машраб Раҳимқуловнинг фотосурати берилган. У ботқоқ ерларни яшнаган далаларга айлантириш, Озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажаришда рус оғаларга ёрдам бериш учун Владимир областига дўстлари билан бирга хашар қилгани жўнаган.

«Ленинградская правда»даги «Ҳашар» мақоласи газетанинг «Биз совет халқи» деган анъанавий рубрикаси остида берилган. Мақола СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган.

(ЎзТАГ).

«ҚАҲРАБО ДОН» ХИРМОНЛАРИ

Республикамизда 2 миллион тонна «қаҳрабо дон» етиштирамиз! Ана шу шиор билан ишлаётган оловқалб маккажўхорикорлар шу кунларда долзарб палла —ўрим-йиғимни муваффақият билан ўтказмоқдалар. Ҳозир Жомбой райони далаларида бўлган киши «Херсонец» комбайнларининг юқори унум билан ишлаётгани, ўрим-йиғим транспорт отрядлари уюшқоқлик кўрсаётганлиги, районнинг 12 минг тонналик хирмони учун қизғин қураш бораётганининг гувоҳи бўлади.

Улуғбек номли совхоз районнинг йирик ва бақувват хўжаликларидан бири. Бу ерда ўрим-йиғим уюшқоқлик билан ташкил этилган.

— Биз маккажўхори дони ва силос олишга алоҳида эътибор беряпмиз, — дейди совхоз директори Мурод Мақсудов. — Аввало маккажўхорининг серҳосил бўлиб ўсишига эришдик, бу йил чорвачилик учун мўл силос бостирамиз.

Совхознинг маккажўхоризорларини айланган киши 165 гектар ерда мўл ҳосил етиштирилганлигини кўради. Халқлар дўстлиги ордени кавалери Муяссар Мамадалиева бошқарувчилик қилаётган бўлимнинг Бахтиёр Маматмусаев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси совхозда биринчи бўлиб ўрим-йиғимни тугалладилар. Механизатор Облоберди Расулов маккажўхорини тез ўриш билан бирга сифатига ҳам алоҳида эътибор бериб, социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда.

Совхозда ўрим-йиғим-транспорт отрядига хўжалик комсомол комитетининг секретари Назарқосим Ўроқов бошчилик қилмоқда. Отрядга бешта «Херсонец» комбайни, 8 та транспорт трактори ва 16 та тележка бириктирилган. Шунингдек, отрядда техника қарови, маданий-маиший хизмат кўрсатиш звенолари намунали ишлаяпти. «Улуғбек тароналари» ансамбли маданий хизмат кўрсатмоқда.

Маккажўхори ўриш, поянни ташишга жалб қилинган механизаторлар ўртасида социалистик мусобақа ташкил этилиб, ҳар беш кунда якунланмоқда, илғорлар пул мукофоти ва қимматбаҳо буюмлар билан тақдирланмоқда. Маккажўхори ўрим-йиғимини муваффақият билан ўтказиш учун ҳамма шароит яратилган.

Ж. МАМАТОВ.

ҲОСИЛНИНГ ҲАММАСИНИ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛАЙЛИК, АСРАЙЛИК, ҚАЙТА ИШЛАЙЛИК

САБЗАВОТ НОБУД БЎЛМАЙДИ

✦ КЕЛГУСИ ҲОСИЛ УЧУН САРА УРУҒ ✦ ПОМИДОР ШАРБАТИ ҲУЖАЛИКНИНГ ЎЗИДА ТАЙЁРЛАНМОҚДА ✦ КОЛХОЗНИНГ БОЗОРДАГИ САБЗАВОТ ДУКОНИ

Киши ўз ишига масъулият билан ёндашса, меҳнатга яраша ютуқларни қўлга киритиш билан бирга учраган қийинчилик ва тўсиқларни мардонавор енгиб, тажрибаси бойиб бораверади. Йиллар давомида мисқоллаб тўпланган тажрибамизга асосланиб шундай фикрга келдим. Колхозимизда асосан сабзавот экинлари уруғи етиштириладиган. Бу иш билан шуғулланаётганимизга ўн беш йилдан ошяпти. Айтиш мумкинки, қийинчиликлар ҳам бўлди. Мақсадга астойдил интилган етар, деганлари тўғри экан. Хўжалигимиз эндиликда уруғ етиштиришнинг ойдин йўлига чиқиб олди.

Биз хайрли ишга қўл урган йили бор-йўғи 5 тонна уруғ тайёрланган эди. Ҳозирги вақтга келиб бу кўрсаткич йилига 100 тоннадан ошяпти. Биз етиштирган уруғ билан деҳқончилик қилаётган сабзавотчиликка ихтисослаштирилган хўжаликлардан тез-тез хатлар олиб турамиз. Уларда пиёз, помидор, карам, давлаги, қовоқ, бодринг сингари экинларнинг биз тайёрлаётган уруғлардан мўлжалдагидан ҳам зиёд ҳосил етиштиришаётганликларини айтиб миннатдорчиликлар билдирилади.

Ана шундай мазмундаги мактубларни кўздан кечирганингда оддий касбингга бўлган меҳринг янада ошиб кетади. Шу билан бирга зиммангга юклатилган вазифа нақадар шарафли ва масъулиятли эканлигини яна бир карра ҳис этасан.

СССРнинг Озиқ-овқат программасини муваффақиятли амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир меҳнаткашнинг шу кеча-кундуздаги эзгу шиорига айланиб қолган. Колхозчиларимиз ҳам ўзларининг бу борадаги қиладиган конкрет ишларини белгилаб олишган. Ҳозир биздаги ҳар бир иш ана шу асосда амалга оширилянти.

Мўл ва сифатли сабзавот ҳосили етиштиришнинг бош омили аввало сара уруғ танлашдир. Чунки, ёмон уруғдан ҳеч қачон мўл ҳосил олиб бўлмаслигини ҳамма яхши билади. Шундай экан, уруғнинг сифатли бўлишига ҳаракат қиляпмиз. Бу борада, айниқса, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, миришкор деҳқон Турғун Ҳожиев бошлиқ бригада коллективи ибратли ишларни амалга оширмоқда. Бу бригада меҳнат аҳли 123 гектар уруғлик учун помидор, пиёз, бодринг, карам ва лавлаги эккан эди. Парваришни кўнгилдагидай олиб борган азаматлар мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳар гектар ердан 45 тоннадан помидор етиштирилиб, ундан кўзда тутилган 5—6 центнер ўрнига 10 центнердан аъло сифатли помидор уруғи ажратиб олинмоқда. Шунингдек, бу коллектив аъзолари бодринг, карам, қовоқ ва лавлагидан ҳам 1,5—2 план миқдорида уруғ топширяптилар. Ортиқ Ҳикматов, Файзи Тожибоев ўртоқлар етакчилик қилаётган бригадаларнинг тажрибакор деҳқонлари ҳақида ҳам фахрланиб гапириш мумкин. Бу пешқадам коллективларда ҳам уруғ тайёрлаш ишининг ўнлаб моҳир усталари меҳнат қилишади.

Кўпинча ноз-неъмат макони бўлган далаларни айланяпман. Чунки, болалигимдан ана шу мафтункор заминга меҳрим тушиб қолган. Ҳозир етмиш уч баҳорни қаршилаяпман. Шу ўтган умримнинг 60 йили ер билан чамбарчас боғланган. Звено ва бригадаларга саркорлик қилдим. Мана қариб йигирма йилдирки, шу хўжаликда раҳбар бўлиб ишлаб келяпман.

Хўжалигимизда юзлаб қадоқ қўлли, тажрибакор, ўз ишининг моҳир усталари бўлган марду-майдонлар борлигидан фахрланаман. Улар ноз-неъмат сероблигини таъминлаш нўлида жонбозлик кўрсатиб келишяпти. Нон ушоғининг ерда ётганини кўрсак, уни дарҳол эътиётлаб қўлга оламиз, увол қилмасликка интиламиз. Бу, энг яхши одатларимиздан бири. Аммо ана шу бир парча нон ушоғи ўрнида помидор ёнини бошқа сабзавот бўлса-чи! Уни оласизми? Йўқ, албатта.

Хўш, айтингчи, бирор сабаб билан йўлда тушиб қолган, тупроққа қоришиб ётган ўша сабзавот маҳсулотининг «гуноҳи» нима? Ахир, уни етиштиришнинг ҳам ўзи бўлмаган-ку! Дон сингари бу ноз-неъмат пишиб етилгунча деҳқонинг қанчадан-қанча меҳнати сарф бўлган. Шунинг учун ҳам колхозимизда бир миқдор ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотини нобуд қилмасликка интиламиз. Бу хайрли ишга хўжалигимиз территориясида истиқомат қилувчи ҳар бир киши сафарбар этилган.

Ҳозир ғарқ пишиқчилик. Сабзаботкорларимиз пишиб етилган экинлар ҳосилини саранжом-саришта қилиб олиш учун ғайрат кўрсатишяпти.

Сабзавот экинлари уруғини ажратиб оладиган махсус цехимиз ишлаб турибди. Ў замонавий технологик жиҳозлар билан таъминланган. Иккита кучли поток линия далалардан пешма-деш келтирилиб турилган помидорнинг уруғини алоҳида, шарбатини алоҳида ажратиб турибди. Илгарилари помидор шарбатини ўзимиз идишларга солиб, тайёр маҳсулот ҳолида уни савдо шохобчаларига жўнатар эдик. Тўғрисини айтсам, идиш етишмаслиги ёки бошқа техник сабабларга кўра помидор шарбатини туриб қолиши натижасида унинг сифати бузилар ёки тамоман яроқсиз ҳолга келиш ҳоллари тез-тез содир бўлиб турарди. Эндиликда биз бунга барҳам бердик. Ҳозир бундай шарбат махсус автомашиналарда Тошкент консерва заводига етказиб берилади. Келишилган шартномага кўра, ҳар куни биз 35—40 тоннагача помидор шарбатини жўнатяпмиз.

Ўзбекистондаги бир группа илғор бригада бошлиқларининг бутун ҳосилни йиғиш, асраш ва қайта ишлашга қаратилган даъватида шундай сатрлар бор: «Кеч кузгача қишлоқда ҳар бир кун зарбдор иш куни бўлсин. Бугунги асосий мақсадимиз сабзавот ва мевани, полиз маҳсулотлари ва узумни тўла сақлаш, уларни истеъмолчиларга кўп миқдорда, яхши сифат билан етказиб беришдан иборат бўлиб турибди». Деҳқонларимиз айни кунларда ана шу кечиктириб бўлмас вазифаларни юрақдан ҳис этиб, унинг ижроси учун бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишлаяптилар.

Партия ва ҳукуматимиз биз деҳқонлар тўғрисида ҳамиша оталарча ғамхўрлик қилиб келяпти. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг яқинда қабул қилган «Колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг матлубот кооперацияси ташкилотларига ва колхоз бозорларида мева ва сабзавот маҳсулотн сотишни кенгайтиришга доир қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қарори ана шу ғамхўрликнинг яна бир ёрқин далилидир.

Аввалларн деҳқонларимиз етиштираётган ноз-неъматларнинг бир қисми тегишли даҳлдор ташкилотлар орқали истеъмолчиларга етказилиб берилгунча анча вақт ўтар, бунинг оқибатида ўша маҳсулот уриниб қолар, тўғрироғи, сифатини йўқотар, яроқсиз ҳолга келиб қолар эди. Натижада биз айбсиз айбдорлар истеъмолчилардан сабзавот маҳсулотларимизнинг сифатсизлиги тўғрисида қатъий-қурум гаплар эшитар эдик. Партия ва ҳукуматимизнинг бу қарори менингча, ана шу камчиликларни бартараф этишда муҳим роль ўйнаяпти.

Ана шу қарорга амалий жавоб тариқасида биз Тошкентнинг Олой бозорида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкон очдик. Шу кунларда ҳамшаҳарларимиз биз даладан тўппа-тўғри дўконга етказиб бериб турган сархил узум, олма, помидор, карам сингари кўплаб маҳсулотларни мамнуният билан харид қилишмоқда. Гарчи планда кўзда тутилмаган бўлса ҳам биз саксон тоннага яқин ана шундай сифатли узум ва сабзавот маҳсулотларимиз билан харидорларни ҳушнуд этишни белгиладик.

Мамлакатимизнинг Озиқ-овқат программаси кенг камровли, ғоят улуғвор ҳужжат. Ў ҳар бир совет кишисининг фаровон турмушини кўзда тутган ҳамда узоқ истиқболга мўлжалланган ҳолда ишлаб чиқилган. Тажрибакор деҳқонларимиз бунн яхши билишади. Шунинг учун ҳам улар деҳқончилик шарафини янада улуғлаб, бундан буён ҳам бу қутлуғ ишга салмоқли ҳисса қўшаверадилар. Уларнинг ҳозирги вақтдаги бутун куч-ғайрати, билими, мисқоллаб тўпланган тажрибаси, маҳорати ана шунга сафарбар этилган.

М. МИРСОАТОВ.

Тошкент область Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозининг раиси.

«Қишлоқ ҳақиқати» конкурсига

ЯЙЛОВ БАҲОДИРИ

ОЧЕРК

Сурункасига уч кун қутурган шамол кечга бориб тингандай бўлди. Қум-тупроқни чарпалак қилиб, атрофни уюмларга тўлгазаётган тўзонлар секин-аста босилди. Бироқ кенгликларнинг бир ёнини ўзига занжирдай боғлаб, осмонга устун бўлиб турган виқорли тоғ ўркачларидаги қуюқ ғубор кўнгилга ғашлик солардi. Беҳудуд чўл шу тонда кишини ютиб юборадигандай туюларди. Олтмиш тўрт ёшли Ашур ота отарни сувдан мириқтириб, қўмакчи қўйчивонга топширди-да, орзиқиш билан ўтовга қайтди. Устбошларига қўнган чанг-тупроқларга бепарво келаётган ота истиқболига югуриб чиққан ёқимтой, мунисгина невараси Гулнисони даст кўтариб олди-да, суйиб туриб сўради:

— Даданг ҳали келмадими, она қизим?!

— Йў-қ, кечаям келмадилар, бугун ҳам.

Ота қизалоғини юпатгандай бўлиб, тоғлар орасидан ўтовга олиб келинадиган йўлга узоқ тикилди. Лекин йўлда дилга таскин берадиган бирор бир илинж кўзга ташланмасди.

Болаларини хавотирлантирмаслик учун уйга кирди, сабри чидамай яна ташқарига чиқди. Баҳорнинг сўнгги кунида, алвасти бўрон увлаганга нохуш сонияда сурув қараб қанчалик толиққан бўлмасин, киприкларига тун бўйи уйқу илашмади. Бунинг устига дераза ойнасига қумтўзонлар шашт билан урилар, дайди шамол яна зўраярди. Сиқилиб кетган шу лаҳзада ота ўғли орқасидан кетгиси келар, бироқ тизгинсиз хаёллар уни гирдобига тортарди. Йўлга чиқай деса, етти юз бошга яқин молни тажрибасиз болага ташлаб қўйиш осон эмаслигини билар, чиқмай деса кўнгли безовталанарди.

«Ишқилиб, бирор кори-ҳол юз бермасин-да... Қишлоқдагилар қандайкин? Кенжатойи Нарзижоннинг ҳоли не кечди». Уни ўйлаган сайин барваста, нуроний кексанинг вужудини совуқ тер босарди.

Уч кун олдин врачлар бола ҳароратининг ҳадеганда пасаймаётганидан нолишганди. Камқон, нимжон дейишди. Қарийб бир ой давомида Шабоной билан шифохонада ётиб, наф кўрмаган гўдакнинг нолишлари, бироз ичига ботган қоп-қора кўзлари, дилкаш, аммо синиқиб қолган юзлари ўғли Ғаффорни гангитиб қўйганди.

...Тонг отарга яқин икки тоғ оралиғидаги йўлда енгил машина кўринди. Пастаккина дераза устига икки қўлини қўйганича маъюс термулиб турган Ашур ота машинани танинди. Ўзлариники, Ғаффор келяпти. Машина уй томон еларкан, ота ташқарига югурди. Кабинадан тушган ўғил оқсоқлана-оқсоқлана отасига бақамти бўлди.

— Нега оқсоқланяпсан, Нарзижоннинг аҳволи тузукми? Бунаҳа узоқ кетадиган одатинг йўқ эди-ку, намунча ҳаялладинг?...

Ашур ота ўғлидан жавоб ҳам кутмай, ташвиш билан унга кетма-кет савол ёғдирарди. Шунчалик безовталанган ва саросимага тушган отасига ўғил меҳр билан боқди. Сўнг таъкидлади.

— Ҳаммаси жойида!

Ота бола уйга кириб, Гулнисога қаради. Беозоргина ухлаб ётибди.

— Сен кетгандан буён қанчалик сўраганини билганингда эди. Қишлоқдаги бувиси, сингилларини эсламайди-ю, Нарзижонни йўқлагани йўқлаган.

«Қийин. Бир оила нонлож уч томонда бўлиниб тургандан кейин қийин. Ҳаммасидан ҳам уйингда хотиржамлик бўлмаса, ҳаловатингни бутунлай йўқотасан, киши». Ғаффор ўз-ўзига шу сўзларни таъкидларкан, маҳзун ҳолатини отасига сездирмасликка ҳаракат қиларди.

Мўндиқўзага қамалгандай шу пайт бўрон увлади. Ўғил юзида пайдо бўлган кескин ўзгариш, қатъий бир ҳаракат билан уйдан отилиб чиқди. Кирза этикка оёқларини солди. Бошига дўпписини босдирди-да, устидан Шабон тиккан алвон қийиқни қаттиқ тангиди. Анча кундан бери уйқуни унутган, кўзлари киртайиб қолган бўлса-да, яйлов сари талпинди. Қутурган шамолни писанд қилмай, этикда тупроқ уюмларига ботиб-ботиб, оқсоқланиб кетаётган ўғлини Ашур ота қайтара олмади. У ҳам орқасидан эргашди...

— Ҳасан, намунча мудрамасанг, — тонгга яқин кўзлари уйқуга илинган, қўра эшигини маҳкам беркитмагани учун тарқалиб кетаётган сурувни кўриб Ғаффор ака шогирдини қойиди.

Ғаффорнинг эътиборини сал нарироқда очиқ қўра девори ёнида шамол тўзғитаётган беда ғарамлари тортди. У тутақиб кетди. Бутун кучини билагига йиғиб, ёнвериданги ёғочлар билан ғарамни бостира бошлади. Шифохонага кетаётиб ем устига бостирган оғир ёғочлардан бири оёғи устига тушгани, ғийилган зарб туфайли оқсоқланиб қолганини у кейиноқ сезганди. Отаси «нега оқсоқланяпсан», деганида «Ўзингга ҳам қарай олмайсан-а?», дейишини билиб, гапни бошқа ёққа бурганди.

— Ҳасан, — аччиқ билан қичқирди бош чўпон. —Сен билмайсан, 1972 йилнинг қишини билмайсан. Икки йилга етиб ортади, деб қўйган хашак тўрт ойда ҳеч нарса бўлмай қолганди. 120 кун ер устидан кўчмаган қор чорвани яйловда боқишга имкон бермаганди. «Ўтириб еганга тоғ ҳам чидамайди», деганларидек йиғиб-йиғиштирган озуқамиздан ҳеч бақо қолмаганди. Ўша йилни билганингда эди, бунчалик бепарво бўлмасдинг. Мен ўшанда сенга ўхшаган ёрдамчи чўпон эдим.

Қуюнчаклик билан айтилган гапларни тўғри тушунган ёрдамчи чўпон бошини қуйи солди. Ҳарбий хизматдан яқиндагина қайтган, чўпонликнинг оғирликларини ҳали унчалик тушунмаган йигитнинг маъюс тортган ҳолини кўриб, Ғаффор бироз юмшади, кўнглини кўтариб далда берди...

Ғаффор, Ашур ота ва Ҳасан учовлари сочилиб ётган хушхўр озуқани йиғиштириб, отарни пастликдан чегириб чиқишганда Оқтоғ ортидан кўтарила бошлаган қуёшнинг нурлари чанг-ғуборлар бағрини тилиб, янги, ғуборсиз, оппоқ тонг отарди...

Тунда ҳаловат, кунда ором нелигини билмайдиган чўпоннинг мақсади элни тўйдириш, элни кийдириш. Нурота кенгликларининг кўрки бўлган қоракўл қўйларга меҳр қўйиб яшашдан мақсад тириклик, тўкинлик, узилмас насиба учун курашмоқдан иборатдир.

Ҳаёт манбаи сув, қўйнинг ризқи ўт қуюғини излаб Қизилқум саҳроларида сурув ҳайдаган, аччиқ-чучукни, кўп татиб серсабот бўлиб қолган Ашур ота Обидов қирқ йил чўпонлик қилди. Улуғ Ватан уруши инвалиди, тажрибали чорвадор тўнғичини ҳам ўзидек сербардош қилиб тарбиялади. Баъзи бир ёшларнинг «чўпонлик қиламан», деб, сўнг ташвишларга дош беролмай, жуфтак ростлаганларини Ашур ота кўп эшитганди. Ҳамкасб дўстлари ўз фарзандларининг ана шундай енгилтакликларидан норизо бўлишларини биларди.

— Ўғлим, — деди ота кунларнинг бирида, — мана, сени партияга қабул қилишди, қанчалар қувондим. Бир ўйла, мен фарзандларимга нима қолдираман. Нима берайман. Мендан сенга қоладиган шу ардоқли касбим. Ўйлайманки, чўлни, чўпонликни ташлаб кетмайсан. Касбга садоқатли бўлиб қоласан!

Ғаффор отасининг бундан саккиз йил олдин, янги йил оқшомида ўйчанлик билан айтган шу гапларини ҳамон эслайди. Тўнғич ўғил ота ишончини оқлади. У ҳаётни қанчалик чанқоқлик билан севса, касбини ҳам шундай ҳурмат қилди. Инсон қадами мўъжиза яратади. Равон ва бепоён, машаққатли ва сўқмоқли йўллардан собитқадамлик билан ўтган кишига албатта истиқбол ёрдир. Ғаффор шунга интилди. Йўқса бош чўпон бўлган йили ҳар юз бош совлиқ ҳисобига 200 тадан ошириб қўзи олиш айтишга осон. Ёш чўпон 1974 йилда 389 бош қўзини наслга қолдирди. Қоракўл теридларнинг 95 процентини давлатга биринчи сортларда топширишига эришди. Икки қирқимда ҳар бош қўйдан тўрт ярим килограмм жун қирқиб олиш ҳазилакам гапми.

Ашур отанинг қимматли маслаҳатларига амал қилиб иш тутган фарзанд қадр топа бошлади. Ёшлик ғайрати, шижоатини чорвадорлик касбини шарафлашга қаратди. Ғайратчан ва интилувчан чўпон, ёш коммунист 1975 йилда Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар союзининг XVII съездида қатнашди. Ўша йили унинг кўксини III даражали «Меҳнат Шуҳрати» ордени безади. Район Совети депутатлигига сайланди. Чорва жонқуяри ишлаб чиқаришда йил сайин самарадорликка эриша борганлиги ҳисоба олинган ҳолда 1977 йилда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. II класс чорвадори Ғаффор Обидовга Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар союзининг «Ёш илғор чорвадор» нишони берилди.

Йиллар қутлуғ таёқни қадрлаётган чўпонга кетмакет шодлик етаклаб келаверди. Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида у бошлиқ отарда 573 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 222 тадан қўзи олиниб, 384 қўзи ўстиришга қолдирилди. Ютуқлар сарҳисоби туфайли 1981 йилда Ғаффорнинг кўксига II даражали «Меҳнат Шуҳрати» ордени тақилди. Областда таъсис этилган, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Норбой Эргашев соврини лауреати бўлди...

Чўпоннинг Пашшот тоғлари этакларида жойлашган дилкашгина хонадонида ўтирибмиз. Яйлов соҳиблари, хонадон эгалари жамул-жам. Ашур ота битта-битта узиб-узиб гапирарди.

— Чорвачиликни зарбдор фронт, деб бекор айтишмагандир, қизим. Мана шу 1982 йилнинг кўкламини қаранг. Жониворларни қишдан омон олиб чиқиб, энди ризқимизни йиғаётганимизда баҳорда такрор-такрор қор ёғиши, этни жунжиктирадиган даражадаги изғиринлар чўпондан қанчалик меҳнат талаб қилмади, дейсиз. Биз бу даврда ҳаловатимиздан бутунлай кечдик. Баҳоли қудрат мен ҳам ўғлимга қўл солишиб турдим.

— Киши фақатгина ҳаловат учун, қорин тўйдириш учун яшамайди. Қадрини, бурдини йўқотмаслик учун уни қандайдир улуғ бир ҳис олдинга ундайди, — қизини суйиб ўтирган Ғаффор вазминлик, ўйчанлик билан гапга аралашди. — Мажбурият олгандан кейин бажариш керак. Йўқса, одамнинг бурди кетади.

Ғаффор билан суҳбатдаман-у, унинг қатъий сўзлиги, куюнчаклиги ҳақида одамлардан эшитганларимни эслайман. Унинг чўрткесар, бир сўзлилигини эшитганман. Ўз соҳаси бўйича йиғилишлар, йиғилиқроқ анжуманларда фикрини тушунтириб очиқ-ойдин гапиради. Ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни ўртага кўндаланг қўяди. Ўша ишни ниҳоясига етказмагунча тинчимайди.

Кўклам об-ҳавоси кескин ўзгарган, чўпон учун бир дунё ташвиш орттирилган оғир дамларда Ғаффор Обидов отарида чиқимга, қўзилар нобуд бўлишига йўл қўйилмади. 678 бош совлиқнинг ҳар юзидан 206 тадан қўзи олинди. 476 бош қўзи ўстиришга қолдирилди. Қоракўл теридларнинг давлатга сифатли топширилишига муваффақ бўлинди.

Жасоратли чўпон Ғаффор Обидов қадрли инсон, падари Ашур отадек меҳнаткаш, эзгуликка ташна. Юбилей йилининг биринчи кварталида Пашшот водоводининг фойдаланишга топширилиши яйлов баҳодирининг кўп йиллик орзуларини ушатадиган бўлди. Сув икки трасса бўйлаб оқди. Бири тоғ ён бағирлари бўйлаб чап томондан, иккинчиси текислик бўйлаб, олд томондан қувурлар орқали чўпон қароргоҳларига етказилди. Сув келиши билан ўтов атрофига ниҳоллар ўтказилди. Мана, токзор ҳосилга кирди, бошқа ниҳоллар нишона кўрсатди. Фақат шугина эмас, 12 гектар маданий яйлов яратилиб, 6 гектар ерга беда, ярим гектар ерга маккажўхори экилди. Бунинг ҳаммаси Пашшот булоқларининг шарофати туфайли бўлди. Чўлдаги тўрт хонали уй ва унинг ёнидаги боғ олдида ўтириб, атрофга боқсангиз келгусида дашт ўртасида обод бир маъво бунёд этилишига ишонч ҳосил қиласиз.

Ашур ота қувурлар орқали чўл ўртасига келтирилган оби-ҳаётдан севина туриб, қоплари чимирилди. Бир даққалик сукутдан сўнг бошини кўтарди.

— Қирқинчи йилларнинг охирлари эди, — дея эслади ота — Қизилқумда, барханлар орасида машаққатлар билан қўй боқардик. Мана, бугун оқаётгани каби сув қаёқда дейсиз? Сон-саноқсиз молларни неча-неча метрлар қазилиб, игна қўзларни зўрға кўрсатган чуқур қудуқдан суғорардик. Қўй терисидан тайёрланган қавғо кунимизга асқотарди. Қудуқда тортқичсиз, қўл қучи билан юз-юзлаб қўйга сув етказиб бергунча бутунлай ҳориб, ҳолимиз қуриди. Шундай пайтларнинг бирида сув тўлғазилган қавғони торта олмай, кучсизланиб, қудуқ ичига тушиб кетганман. Ҳамкасбларим, хабар топишгач, арқонда мени тортиб, омон сақлашган... Энди бўлса қудуқларга мотор қўйилган, булоқлар суви чўл бағрига етаклаб келиняпти. Бу ҳам чўпоннинг бахти.

Ашур ота бахтдан Ғаффор ва унинг ҳамкасблари баҳраманд бўлишяпти. Меҳнат ҳам, натижа ҳам шунга яраша.

Ҳаёт қонунлари инсонни ҳамиша яратишга чорлайди. Қалбига мавжли тошқиндлар инъом этади. Кўнгли кенг ва самимий, эҳт муҳими одамийликнинг ажойиб сифатларини ўзида мужассам этган коммунист чўпон Ғаффор Обидовнинг юраги шундай яратиш мавжли, тошқинлари билан тепмоқда. Яратиш замирида эса ҳамиша саодатнинг, бахтли тақдирнинг севинчлари ётади.

Шарбат МУХТОРОВА.
Навоий область Нурота районидаги «Ғозғон» совхозининг Акмал Икромов номли бўлими.

МОСКВАДА ЎЗБЕКИСТОН КУНЛАРИ

ҚУЁШЛИ ЎЛКА ТЎҒРИСИДА ҲИКОЯ

МОСКВА, 7 сентябрь. (ЎзТАГ махсус мухбири). СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасидаги Ўзбекистон ССР кунлари муносабати билан бугун бу ерда «Совет Ўзбекистони—СССР халқларининг қардошлик оиласида» мавзуида матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Совет давлатининг юбилейини муносиб нишонлашга ҳозирлик кўраётган Ўзбекистоннинг ютуқлари, республика меҳнатчилари бутун Совет халқи билан биргаликда КПСС XXVI съезди қарорлари, СССРнинг Овиқ-овқат программасини қандай амалга ошираётганликлари журналистларга гапириб берилди.

Матбуот конференциясида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов, республика Олий ва ўрта махсус таълим министри С. П. Пўлатов, Ўзбекистон ССР Маданият министри З. Р. Раҳимбобоева, Тошкент бош архитекторининг ўринбосари Л. Т. Адамов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг секретари К. Е. Юсупов, Тошкент Медицина институтининг ректори Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги У. О. Орипов сўзга чиқдилар.

Матбуот конференциясида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими М. Л. Ишков қатнашди.

ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА

МОСКВА, 7 сентябрь. (ЎзТАГ махсус мухбири О. Осипов). Мамлакатимизда Совет ҳокимияти йилларида ССР Иттифоқида меҳнат аҳлининг буюк қардошлиги вужудга келиб, мустаҳкамланмоқда, шу иттифоқнинг 60 йиллигини нишонлашга бутун тараққийпарвар инсоннят ҳозирлик кўрмоқда. СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги «Ягона оилада» кўргазмаси Советлар мамлакатининг, улуғ кўп миллатли давлатдаги ҳар бир республиканинг жозибадор манзарасини акс эттиради. Бу ерда ўтаётган Ўзбекистон кунларининг қатнашчилари бугун шу кўргазма билан танишдилар.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси юбилей кўргазмасида тенг ҳуқуқли республикалар орасида гуллаб яшнаётган ўлка эканлиги акс эттирилган. Асрий қолоқликдан иқтисодий ва социал ривожланиш чўққиларига кўтарилган диёримизнинг ёрқин тасвири Тошкент манзараларидан бошланади. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон ССРга Ленин ордени топширишга бағишланган тантаналарда айтган қуйидаги сўзлари стендда кўзга ташланади: «Байроналардан кайта тикланган, юксак даражада ривожланган индустрия ва катта фан шаҳри, улкан маданият марказларидан бири бўлмиш Тошкент СССР халқлари қардошлиги ва дўстлигининг инсон кўли билан бунёд этилган рамзи бўлиб, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтлари туркумида Шарқ юлдузи каби порлаб турибди». Ўзбекистон кўргазмасининг биринчи залидаги катта рангли суратда Леонид Ильич Брежнев шу йил мартида республика пойтахтида завқшавқ билан кутиб олинганлиги ифодаланган.

Виставканинг рангдор безатилган бўлимлари томошабинларни Ўзбекистон машинасозлиги, энергетикаси ва газ саноати, металлургия ва пахтачилигини ривожлантиришдаги муваффақияти билан, меҳнаткашлар иқтисодий, илмий ва маданий фаолиятининг ҳамма жиҳатлари билан таништиради. Виставка меҳмонлари «ок олтин»ни машинада териш ва ташиш диаграммаси ёнида узоқ вақт тўхталиб қоладилар. Машиналарнинг, пахта ортилган тележкаларнинг моделлари ҳаракатланиб турибди. Бу ердаги ҳамма нарса СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги нишонланадиган йилда мўл пахта ҳосили етиштириб, Ватанни қувонтиришга интилаётган республика деҳқонларининг мусобақаси қизиғин тус олганлигидан далолат беради.

Фикр-мулоҳазалар дафтаридаги кўпдан-кўп ёзувлар «Ягона оила»да виставкасига, шу жумладан Совет Ўзбекистони кўргазмасига ҳам қизиқиш нақадар катталигини кўрсатади.

Дунё овози
Чет эл хабарлари

БУГУН — БОЛГАР ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ, ОЗОДЛИК КУНИ.

София узра мамлакатнинг миллий байроғи ҳилпирай бошлаганига юз йилдан ортиқ вақт ўтди. Шу даврнинг 38 йили халқ ҳокимияти йилларига тўғри келади. Айни шу вақт ичида София ҳар томонлама яшнаб, энг ғўзал шаҳарлардан бирига айланди. Республиканинг йирик саноат, иқтисодий ва маданий маркази ҳисобланган бу шаҳарда 1 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда.

Суратларда: 1. Софиядаги рус хиёбони. 2. Халоскор Совет Армияси жангчилари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик.

О. Литвин фотолари. (ТАСС фотохроникаси).

МОЗАМБИКНИНГ ДАЪВАТИ

НЬЮ-ЙОРК. Мозамбик ҳукумати БМТ Бош секретарини ва халқаро миллатлар ҳамжамиятини ЖАРнинг Африка қитъаси жанубий қисмидаги тинчлик ва хавфсизликни таҳлика остига қўйиши мумкин бўлган ҳаракатлар қилишига халақит бериш учун ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилишга чақиради.

Мозамбикнинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Жозе Карлуш Лобо ўз ҳукуматининг топширувига биноан бош секретарь Х. Перес де Куэльярга мактуб юборди. Унда апартеид режими Африкадаги шу мустақил давлатга қилаётган қуролли ҳужумлар ва территориал бутунликни бузишларнинг сўнггиси ҳақида хабар қилинади. 22 август куни Жанубий Африка армиясининг 50 кишилик командослар группаси Мозамбик территориясига суқилиб кирди. Шу қуролли хуруж натижасида Мозамбикда ишлаб турган Португалия граждани, икки нафар мозамбиклик ўлди, маҳаллий аҳолидан уч киши ўғирлаб кетилди.

Жанубий Африка, деб уқтирилади мактубда, кейинги вақтларда Мозамбик Халқ Республикасининг мустақиллигини кўпориш ва мамлакат экономикасини бузиш мақсадини кўзловчи кампанияни авж олдириб юборди.

РЕВОЛЮЦИЯ ҒАЛАБАЛАРИ ПОСБОНЛИГИДА

АДДИС-АБЕБА. (ТАСС). Эфиопия Революцион Армияси снёсий мактабини битириб чиқувчиларнинг катта бир группаси офицер-снёсий ходимларнинг сафларига қўшилди.

Эфиопия Меҳнаткашлар партияси ташкилоти комиссияси Марказий Комитетининг аъзоси, Эфиопия Революцион Армияси Бош снёсий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Фелеке Ишету бу ерда битириб чиқиш маросимида нутқ сўзлаб қуйидагиларни таъкидлади: мамлакатда революцион жараён ривожланиши билан армиядаги уюшқоқлик ҳам тобора муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг зиммасига солдат ва офицерларни Эфиопияга, марксизм-ленинизм ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдек масъулиятли вазифа юкланган.

Қуролли кучларнинг шахсий состави, деб уқтириб ўтди Фелеке Ишету, революция ғалабалари посбонлигида ҳушёр туришгагина эмас, шу билан бирга кенг халқ оммаси билан биргаликда янги социалистик жамият асосларини барпо этишда ҳам актив қатнашишлари лозим.

КОНТРАБАНДАЧИ ЭЛЧИ

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Диктатор Стресснер армиясининг собиқ генерали, Парагвайнинг Тайвандаги элчиси Тимотео Алъяваренг суд ҳукми чиқарилгунига қадар қамоқка олинди, деб хабар берди «Таймс оф Индиа» газетаси. У олтин контрабанда қилиш билан шуғулланганликда айбланади. Контрабандачи элчи Бомбай аэропортида ўз чемоданида 18 килограмм қимматбаҳо металлни олиб ўтишга уринаётганда ушланган. Бомбай суди унинг дипломатия иммунитети ҳақидаги илтимосини рад этди. Ҳиндистон қонунларига мувофиқ, Ҳиндистонга юборилган чет эл дипломатларигина дахлсиздирлар.

ТАНГЛИК ИСКАНЖАСИДА

НЬЮ-ЙОРК. Бошқа капиталистик мамлакатлар каби Қўшма Штатлар ҳам ҳозир кейинги юз йил мобайнидаги энг оғир иқтисодий тангликнинг исканжасига тушиб қолди. АҚШдаги Англикан черкови руҳонийлари коалицияси таркатган баёнотда шундай дейилади.

Қўшма Штатларнинг иқтисодий системаси, деб уқтирилади ҳужжатда, иш жойларининг ва оддий американликлар даромадларининг тақсимланиши устидан контроллик қилиб келаётган, аммо айни вақтда улар олдида ҳеч қандай мажбурият олмаган истамаётган катта-катта корпорацияларнинг айби билан емирилиб бормоқда.

Шу ташкилот АҚШ жамоатчилигига мурожаат қилди, Америка меҳнаткашларини талаш ҳисобига бойлик орттираётган монополияларнинг назоратсиз ҳокимиятига қарши кураш кампаниясига актив қўшилишига чақиради.

ҒАЛАБА КУНИ

МАПУТУ. Мозамбик Халқ Республикасида биринчи марта ғалаба куни нишонланмоқда. Бу кун Мозамбик Халқ Республикаси халқ Ассамблеяси доимий комиссиясининг декрети билан, ФРЕЛИМО партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан таъсис этилди.

«Нотисиаш» газетасининг ёзишича янги миллий байрам мозамбик халқининг мустақиллик йўлидаги кураши тарихида муҳим босқич бўлмиш 1974 йил 7 сентябрда Лусака битимлари имзоланганлигини акс эттиради. Бу битимлар Мозамбик халқининг Португалия мустамлакачилиги устидан қозонилган ғалабасини юридик жиҳатдан мустаҳкамлади.

МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМНИ ЎРГАНМОҚДАЛАР

ГАВАНА. (ТАСС). Кубада партия ва комсомол ўқуви системасида янги ўқув йили бошланди. Юз минглаб партия аъзолари ва ёш коммунистлар иттифоқи аъзолари, ишчилар, деҳқонлар, хизматчилар партия мактабларида, семинарларда ва марксизм-ленинизмни ўрганиш тўгаракларида ўз сиёсий билим даражасини оширмоқдалар.

Куба Компартияси Марказий Комитети органи — «Гранма» газетасининг ёзишича, марксизм-ленинизм классиклари меросини чуқур ўрганиш Лотин Америкасида Америка империализмининг агрессив йўли натижасида халқаро кескинлик ғоят кучайиб кетган бир пайтда ҳозир жуда муҳим аҳамият касб этади.

ЖИНОИЙ ХУРУЖ

БЕРН. (ТАСС). ПХРнинг Берндаги элчихонаси бандитларча босиб олинганлиги муносабати билан Швейцария федерал маъмурларининг вакили террорчиларнинг элчихонага ва дипломатия ходимларига қарши қилган ҳаракатларини жиноий хуруж деб таърифлади.

Федерал юстиция ва полиция департаментининг вакили ҳозир асосий вазифа террорчиларни қамоққа олишдан иборат эканлигини айтди.

ВАРШАВА. (ТАСС). ПАП агентлигининг хабар қилишича, НАТО мамлакатлари бир группа террорчиларнинг элчихонага бостириб киришидан ўзларининг Польшага қарши кампаниясида фойдаланишга уриниб, поляк халқининг асосий манфаатларига хилоф бўлган ҳамда Польшадаги ва унинг атрофидаги кескинликни сақлаб қолишга қаратилган ҳаммага маълум пропаганда йўлига мувофиқ равишда ҳаракат қилмоқдалар.

ЧИЛИДАН КЎЧИБ КЕТМОҚДАЛАР

РИО-ДЕ-ЖАНЕИРО. Чили иммиграция католик институтининг хабар қилишича, пиночет хунтаси ҳокимият тепасида турган йилларда чилиликлардан 1 миллион 200 мингдан кўпроқ киши ўз юртини тарк этишга мажбур бўлган. Институт тадқиқотларининг кўрсатишича, Чилидан кўчиб кетувчиларнинг кўпайиши тенденцияси келгусида ҳам давом этаберади, чунки бу мамлакатда турмуш шароитлари жуда оғир, қимматчилик, иншсизлик кучаймоқда ва ҳарбий фашистлар режимининг жабр-зулми тўхтамаяпти.

(ТАСС).

ШЕЪРИЯТГА Чашма

КЎЧГАН ТУЙҒУЛАР

Сўнгги йилларда адабиётимизга бир гуруҳ қизлар ўзларининг самимий ва майин шеърияти билан кириб келдилар. Уларнинг нафосатли ва ҳиссиётли шеърлари поэзия ихлосмандларининг юракларидан ўрин ола бошлади.

Ўша қизларнинг сафида ёш шоира Дилором Тожиева ҳам бор. Дилоромнинг асли касби инженер. У Тошкент политехника институтида ўқиган. Аммо юрагидаги шеърга ҳавас, адабиётга муҳаббат уни тинмай ижод қилишга, ижодкор дугоналаридан ортда қолмасликка ундайди. Дилоромнинг шеърларида ўзига хос оҳанг, ўзига хос мазмун бор. Бу шеърларда интилувчанлик ва изланувчанлик дарҳол кўзга ташланади. Тўғри, ёш шоира ҳали кўп ўқиши, бадиий маҳоратини ошириб бориши, ўрганиши, янги-янги темаларда машқлар қилиши керак. Шеърият — бу тинмай ўрганиш ва изланишни талаб этади.

Мен ёш шоира ана шу меҳнатларга бардош бериш, ўқиш, ўрганиш туфайли пухта-пишиқ шеърлар ёзишига умид боғлаб, айрим машқларини чашмахонлар эътиборига ҳавола қилишни лозим топдим.

ТУЛҚИН

ОҚ ПАХТАМДАН ЯРАЛДИ ХИРМОН

Қуёш бугун эрта уйғониб,
Пахтазорга кузатди мени.
Тола-тола нур ичра қолиб,
Ярқиратди дала, борлиқни.
Мусобақа ўйнаган каби,
Пайкал аро кетди қувлашиб.
Синамоқчи бўлгандай мени,
Қиздирарди, ёнарди шошиб,
Нур ўйнарди чаноқ кафтида,
Пахтазор оқ, оппоқ эрталаб.
Ер ҳарсиллар иссиқ тафтида,
Мен-чи, тўқдим этак-этаклаб.
Оқ пахтамдан тоғ бўлди
хирмон,
Қуёш боқиб қолди ҳавасда.
Янги қуёш чиқдими дебон,
Етоғига бош қўйди аста.

Й Ў Л Д А М А Н

Эрта тонг. Бир тонгки, ажиб мунаввар,
Дарахтлар баргида севинч ва титроқ.
Қишлоқ ҳам уйғонган, қушлар чулдирар,
Қайсидир хонада қоврилар бодроқ.
Димоққа урилар жўхори иси,
Кимдир ҳузурланиб соғар сигирин.
Кимнингдир қалбида эртанинг ҳисси,
Қайсидир томондан эсар изғирин,
Иўлдаман, гуллардан поёндоз тўшар,
Баҳор қўшиғини айтади такрор.
Узоқдан трактор овози келар,
Кузнинг ғамин ейди азиз пахтакор.
Иўлдаман, хизматга шошаман мен ҳам,
Гулгун чеҳраларга боқаман тўйиб.
Дунёнинг ишлари тугамас, бир дам,
Ўзи ўз ҳолига бўларми қўйиб?
Иўлдаман...

БОЛАЛАРДАН ЎРГАНАМАН

Болаликни болалардан ўрганаман,
Кузим қувнар, шўхликларни кўриб турсам.
Улар мендан ўрганади, сабот билан,
Яхши сўзлаб, оқ ювиб, оқ тарасам.
Қизиқмай ҳам бўладими, ҳам қарамай,
Беғубор, шод, шўх болакай «оловлар»ни,
Қушлар тилин ўрганади улар «ой»дай,
Таажжубга солиб баъзи бировларни.
Ҳар нуқтаси, ҳар они ҳам менга суюк,
Қанча севсанг, камдек бу ёш гўдакларни.
Гоҳо ақл чиқиб қолар буюк-буюк,
Гапга солмай бўлмас полвон, сергакларни.
«Бола бошдан», — дейди халқим, бежиз эмас,
Улар юрар, катта одам қайдан юрса.
Қуш уяда кўрганини қилар ҳавас,
Жонни берар, ота-она жонин берса.
Баъзан ҳатто хаталарим учун топиб,
Калавада айлангандек айланаман.
Улар меҳри товланади меҳр қўшиб,
Бенхтиёр болаликка бойланаман.
Мен қайтадан шу дунёга келган каби,
Шодланаман ўз-ўзимча бўлиб хурсанд.
Бари умр қайтмас ортга, умр бобо
Шошилсада ўз йўлида, бирор фурсат—
Ешлигимни кўрганимда болаларда,
Мен ҳам чопиб юрсам дейман гул боғларда—
Майли, шўх-шўх кулсин улар далаларда,
Мен яшашни ўрганаман болалардан.

Дилором ТОЖИЕВА.

Юксак турмуш маданияти учун

КЕЛИН-КУЁВЛАР ХИЗМАТИДА

Иноятхон ва Рустамжонларнинг никоҳ тўйи қайси куни бўлиши аниқ белгиланди. Бўлажак келин онасининг кайфи учиб:

— Бой ўлмасам, ахир ҳали ҳеч нарса тиктиролганимиз йўқ-ку, айланай қудалар, — деди. — Сал орқароққа сурайлик тўйни.

— Энди қуда, хайрли ишни чўзиб юрмайлик, — дейишди куёв томон вакиллари. — Бу ёғи йиғим-терим мавсуми бошланиб, ишлар кундан-кунга қизяпти. Тўйни вақтида ўтказиворганимиз яхши. Ҳа, энди, келин сарпосиям тикилиб кетар бир иложи бўлиб. Ҳозир нима кўп — чевар кўп. Мана, район маиший хизмат комбинати чеварлари ҳам келин-куёв сарполарини дуруст тикишаётганмиш.

— Э, қаёқда дейсиз, — эътироз билдирди даврадагиларнинг бири, — олдинги йили бир марта кўйлак тиктириб, таъзиримни еганман. Анчагина пулга келган материалимни бузиб беришган.

— Йўқ, иши тушган одамларнинг айтишича, ҳозир биткомбинатдаги ишлар бутунлай ўзгариб кетганмиш. Жуда сифатли хизмат кўрсатишаётганмиш.

Хуллас, қиз томон ҳам куёв тараф айтган муддатга рози бўлди. Эртасига Иноятхон дугонаси билан Москва район маиший хизмат комбинатининг тикувчилик цехига, куёв Рустамжон эса тўй хизматига оид масалаларни ойдинлаштириш, буюртмалар бериш мақсадида комбинатнинг ўзига жўнадилар.

Рустамжонни комбинат бош инженери Анваржон Ғаниев самимий қарши олди.

— Тўй қилаётгандик, бир оз хизмат бор эди сизларга, — деди куёв уйда тайёрлаб келган хизматлар рўйхатини тортиниброқ унга узатаркан.

Инженер рўйхатга кўз югуртирди-да:

— Бажонидил, — деди очиқ чеҳра билан, — ҳаммаси қўлимиздан келадиган ишлар экан. Тўй зиёфатида ишлатиладиган идиш-товоқларнинг барчаси прокат бўлимимизда бор. Стол-стулларни ҳам шу ердан олишингиз мумкин. Кўрпа-тўшак цехида тайёр кўрпа-кўрпачалар, ёстиқлар бор. Агар дидингизга тўғри келмаса, махсус буюртма бериб, тиктиришингиз ҳам мумкин. Кийим-кечак масаласида ҳам хотиржам бўлинг. Албатта, магазинларда ҳам топиш мумкин. Лекин ўзингизга лойиқ ўлчам, ранг, фасонли кийим қидириб, анча вақтингиз кетади. Бизда бўлса, истаган матонингиздан чиройли, ярашиқли қилиб тикиб беришади. Моҳир чеварларимиздан Жўрахон Ҳайдарова куёвларнинг, Маҳмудахон Маърупова келинчакларнинг кийимларини ниҳоятда бежирим тикиши билан ном чиқаришган. Замонавий фасонда плашч, пальто ҳам тикиб беришимиз мумкин. Умуман, хизматимиздан хурсанд бўласиз, деган умиддамиз.

— Раҳмат. Ўйни ҳам енгилроқ ремонт қилиш керак эди, кимга мурожаат қилсак экан?

— Бу масалада ҳам ёрдам бера оламиз. Яқинда аҳоли уй-жойларини ремонт қилиш цехи очганмиз. Усталарни жўнатамиз, кўнглингиздагидек ремонт қилиб беришади.

— Раҳмат ака, катта ташвишдан қутқардингиз, — деди Рустамжон хурсанд бўлиб ва буюртмаларни расмийлаштириш учун чиқиб кетди.

Иноятхон ҳам маиший хизмат комбинатидан мамнун ҳолда қайтди. Чунки дугонаси иккаласини тикув цехи мудири Мамасиддиқ Омончаев, чевар Маҳмудахон Маъруповалар хушмуомалалик билан кутиб олишди. Келинчаклар кийим-бошларининг энг яхши замонавий намуналарини, шунингдек, комбинат чеварлари тиккан бежирим қўйлакларни кўрсатишди. Иноятхон дугонаси билан бирга ўзига ёққан фасонлардан буюртма берди. Чеварлар буюртма миқоз белгилаган кунда тайёр бўлишини айтишди.

Дарҳақиқат, амалда маиший хизмат комбинати ходимларининг кўмаги туфайли тўйга тайёргарлик ишлари ортиқча ташвишларсиз тезу соз битди-қўйди.

Ниҳоят, кўрган кишининг кўзини қувнатадиган даражада чиройли, башанг қийинган келин-куёв яқин дўстлари билан чўгдек безатилган енгил машиналарда никоҳни қайд эттириш учун «Бахт уйи»га жўнадилар. Улар билан бирга маиший хизмат комбинатининг сураткаши ҳам бор эди. Келишувга мувофиқ у тўй тантаналари акс этган альбом тайёрлаб беради.

Суратқаш келин-куёвни уйдан чиқаётган пайтларидан тортиб барча шодиёна, ҳаяжонли дақиқаларни суратга туширди. Тўй кам-кўстсиз, нихчам ва тартибли ўтди. Висол кечасидан бир неча кун кейин эса тўй альбоми бахтиёр келин-куёвга топширилиб, уларнинг қувончларига қувонч қўшилди.

— Никоҳ тўйларида, келин-куёвларга намунали хизмат кўрсатиш, уларнинг қувончига-қувонч қўшиш гоят фахрли, завқли иш, — дейди А. Ғаниев биз билан суҳбатда.— Ходимларимиз буни яхши билишади ва ўз вазифаларини сидқидилдан адо этишади.— Мақсадимиз аҳолига намунали хизмат кўрсатиб, меҳнаткашларнинг оғирини енгил қилишдир.

Ҳақиқатан ҳам районда меҳнат аҳлига маиший хизмат кўрсатиш сифати кейинги пайтларда сезиларли даражада яхшиланди. Телпак тикиш, уй-жойларни ремонт қилиш, полиэтилен сумкалар тайёрлаш цехлари янгитдан очилди. Трикотаж цехини кичик фабрика дейиш мумкин. Бу ерда 9 та тўқув станоги ва тикув машиналари бор. Айни чоғда чақалоқлар комплекти, жакет, свитер каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. 12 та колхозда комплекс қабул пунктлари ишлаб тургани ҳам айни муддао бўлмоқда.

Маиший хизмат ходимлари малакасини оширишга алоҳида эътибор берилаётганлиги хизмат сифатини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатяпти. Натижада Шаҳрихон шаҳри ва Москва районида аҳолисининг маиший хизматдан фойдаланишга қизиқиши ортиб бораяпти. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, авваллари областда қолоқ корхоналардан ҳисобланган комбинат коллективи ўтган йили барча план кўрсаткичларини ортиғи билан бажариб, илғорлар қаторидан мустаҳкам ўрин олди. Киши бошига хизмат кўрсатиш миқдори ҳам тез суръатлар билан ортиб боряпти.

Район аҳолисига маиший хизмат кўрсатишни яхшилашда тўқувчи Ёқутхон Йўлбарсова, тикувчилар Гулсарахон Рўзиева, Момахон Зайдбоева, прокат бўлими мудири Бегали Қодировларнинг ҳиссаси, айниқса, катта бўлмоқда.

«Ўн йилликда қишлоқ жойларда маиший хизмат реализация қилиш ҳажми икки баравар кўпайтирилиши таъминлансин. Аҳолига хизмат қилиш сифати ва маданияти оширилсин. Бевосита колхозлар ва совхозларнинг ўзида барча зарур маиший хизмат турларига буюртма қабул қилиш кенгайтирилсин», — дейилади СССР-нинг Озиқ-овқат программасида. Бу, бошқа коллективлар қатори район маиший хизмат комбинати ишчи-хизматчилари олдига ҳам катта, масъулиятли вазифаларни қўяди. Бинобарин, Москва району маиший хизмат ходимлари аҳолига янада яхшироқ, сифатлироқ хизмат кўрсатиш юзасидан зарур тадбирларни амалга оширмоқда. Навбатдаги амалга ошириладиган ишлар салмоғи ҳам янада катта.

Ҳ. ТУРСУНМАТОВ.

Бухоро медицина билим юрти ташкил этилганидан бери унинг аудиторияларида ўн беш мингдан кўпроқ йигит-қиз билим олиб, халқ саломатлиги йўлида хизмат қилишга йўлланма олди. Яқинда билим юрти ўзининг ярим асрлик тўйини нишонлади.

СУРАТДА: билим юртининг ўтмиши, бугуни ва эртаси ҳақида ҳикоя қилувчи музей залларини кўриб турибсиз.

А. Мирзажонов фотоси. (ЎзТАГ).

Қушлар — бизнинг дўстимиз

МАЙНА

Бу қуш қўлда яшашга тез кўникади, одамга тақлид қилиб, сўзлар, баъзан ибораларни осон ўрганиб олади.

Яқиндагина Марказий телевидение орқали «Қушлар нима тўғрисида куйлайди» фильми кўрсатилди. Унда тошкентлик врач, қушлар ишқибози Б. А. Симоновнинг қанотлилар коллекциясини тўплаш тарихи тўғрисида ҳикоя қилинади. Улар орасида Гришка деган майна сўзни кўп билиши билан ажралиб туради. У 60 тагача сўзни ёддан билади. Ҳатто «Меҳмонлар келди», «Овқатланамиз», «Уй бекаси Рая яхши аёл», «Гришка — яхши қуш», «Овқатлан, овқатлан, кейин ўйна» деган сўзларни рус тилида бемалол айта олади.

Шуниси қизиқки, агар идишида емиш бўлмаса, у «Овқат» сўзини кўп такроллайди. Бунинг сабаби — унга овқат берилганда мазкур сўзни кўп айтилгани бўлса керак.

Газетхонлар ўз хатларида майна юртимизга қай тариқа келиб қолганлигини сўрайдилар. Бунинг тарихи инсоннинг табиатга бўлган муносабатига боғлиқ. Бир вақтлар ўтроқ бўлган бу қушлар» «қутилмаганда» ўзларининг Ҳиндистон, Бирма, Покистон, Афғонистондаги қадрдон ерларини тарк этишди ва Ўрта Ер денгизининг шимолидан тортиб Испаниягача бўлган ерларга кўча бошлашди.

Академик Т. Зоҳидов асарларида ёзилишича, майналар бизнинг юртимизда XX аср бошларида пайдо бўлган. 30-йилларда Амударёдан Мурғоб ва Теженгача бўлган ерларга жойлашишади. Бугунги кунда юртимизда бу қушлар учрамайдиган бирорта ер йўқ, деб бемалол айтиш мумкин. Улар шаҳар ва қишлоқлардаги ҳиёбонлар, боғлар, хонадонларда учрайди.

Қуш ишқибозлари мунтазам кузатишлар пайтида майнада инсон гапини уқиш қобилияти кучли эканлигини аниқладилар.

Б. Симонов Чехословакиянинг Оломоуц шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кўргазмада Гришкани бошқа қушлар қатори намойиш этиб, ҳаммани ҳайратда қолдирди. Гришка кўп сўзлашда бошқа қушлар орасида биринчи ўринни эгаллади.

Август ойида Симоновлар оиласида қўш юбилей бўлди. Симонов 70 ёшга кирди. Гришка эса ўзининг ўнинчи баҳорини қаршилади. Қушча бу байрамга «Боря яшасин, етмишда ҳам қаримайди» деган иборани ўрганди.

А. ЎРМОНОВ.

Спорт

● БАСКЕТБОЛ

МУНОСИБ ҲИССА

Финляндияда қизлар ўртасида ўтказилган Европа чемпионати ниҳоясига етди. Бунда 12 команда икки группага бўлинган ҳолда ғолиблик учун кураш олиб борди.

Составида фарғоналик Ольга Сидорова ва тошкентлик Елена Торникидулар ҳам бўлган СССР терма командаси баскетболчилари Югославия, Испания, Венгрия, ГФР ва Исроил спортчилари билан бир группада иштирок этишди. Мазкур группада, айниқса, югославиялик баскетболчи қизлар муваффақиятли қатнашдилар. Улар бирон маротаба ҳам мағлубиятга учрамай, финал йўлланмасини қўлга киритишди. Иккинчи йўлланма фақат Югославия терма командасига ютқазган вакилларимизга насиб этди.

Бошқа группада эса Болгария ва Италия терма командалари зафар қучишди. СССР терма командаси ярим финалда болгарияликлар билан учрашиб, 71:62 ҳисобида ғолиб чиқди. Югославиялик баскетболчи қизлар эса италияликларни мағлубиятга учратишди. Натижада Европа чемпиони унвони учун ҳал қилувчи финалда СССР ва Югославия терма командалари куч синашдилар. Мазкур учрашувда қизларимиз ниҳоятда яхши ўйин намойиш этишди. Жанговар ўтган ўйин 81:80 ҳисобида вакилларимиз фойдасига тугади.

Албатта, бу ғалабада СССР терма командаси капитани тошкентлик Елена Торникиду ва фарғоналик Ольга Сидороваларнинг ҳиссаси катта бўлди. Шуниси қувончлики, Елена чемпионатнинг энг яхши ҳужумчиси деб тан олинди.

● ГИМНАСТИКА

СОВРИНДОРЛАР САФИДА

«Меҳнат резервлари» Марказий Совети биринчилиги учун ўтказилган мусобақаларда мамлакатимизнинг кучли спортчилари иштирок этишди.

Андижондаги гимнастикачилар саройида бўлган шахсий биринчиликда Москва, Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, Грузия, Литва, Арманистон, Эстония ва Молдавия спортчилари қатори майдон эгалари ҳам спорт мастерлигига номзодлик программасида қатнашдилар. Мусобақада Бутунитифоқ ва халқаро турнирларнинг ғолиблари — таллиннлик Н. Продажная, вильнюслик И. Лебедев, челябинсклик Е. Маткина, минсклик А. Каминский ва бошқалар ўз маҳоратларини яна бир бор намойиш этишди.

Биринчилик якунида энг кўп балл тўплаган Н. Продажная ва И. Лебедевлар шахсий ҳисобда «Меҳнат резервлари» Марказий Советининг чемпиони бўлишди. Мутахассислар андижонлик гимнастикачилар орасида ҳам иқтидорли спортчилар етишиб чиқаётганлигини таъкидлашди. Жумладан, Л. Аметова кўпкурашда яхши натижага эришди. Шунингдек, Л. Ханамова ўз чиқишлари билан кўпчилик эътиборини қозонди.

● ВЕЛОПОЙГА

ОЛТИНЧИ ЎРИН

Львовда СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказилган кўп кунлик пойгада спортчилар яхши натижаларни қўлга киритиш учун астойдил беллашдилар.

Республикамиз терма командаси шарафини ҳимоя қилган вакилларимиз умумҳисобда олтинчи ўринни эгаллашди.

Бешинчи босқичда (100 километрлик масофа пойгасида) Ю. Абрамов марра чизигига иккинчи бўлиб етиб келиб, ҳурмат шохсупасининг иккинчи погонасига кўтарилди.

● ФУТБОЛ

ЖАВОБСИЗ БЕШ ТЎП

Куни кеча олий лигада бир учрашув бўлиб ўтди.

Москвада «Спартак» командаси футболчилари Бокунинг «Нефтчи» коллективини қабул қилиб, 5:0 ҳисобида галаба қозонишди.

Редактор И. СУЛАИМОНОВ.

Овчи бурчаги

ОМАДИНГИЗНИ БЕРСИН

Овчилар севган машғулотларидан завқ-шавқ оладиган дамлар келди. Кузги ов мавсуми бошланди. Айримлар ўрдакларни, бошқалар какликларни, бировлар эса ёввойи ҳайвонларни овлаш билан машғул бўлишади. Бу даврда ов ҳаваскорлари қандай тартиб ва қоидаларга риоя қиладилар? 1982—1983 йилнинг кузги-қишки даврида ов мавсумининг қандай хусусиятлари бор? Узбекистон ССР Ўрмон хўжалиги министрлиги ов ишлари ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Т. КАМОЛОВ шу ҳақда ҳикоя қилади:

— Ўрта Осиё территорияси турли-туман ўсимликларга бойлиги билан ажралиб туради. Саксовулзорлар, шувоқзорлар, чўққилари қор билан қопланиб турадиган тоғ қиялигларидаги ўтлоқлар, кўм-кўк воҳалар, сувсиз сахролар кўп. Бу ерларда яшайдиган ёввойи ҳайвонлар ва қушлар халқ бойлиги, давлат мулки ҳисобланади. Улардан қонун асосида фойдаланилади.

Мавсумга тайёргарлик масаласини муҳокама қиларкан, республика Ўрмон хўжалиги министрлиги ов қоидалари, муддатлари ва нормаларига риоя қилиш устидан назорат қилиб боришга эътиборни қаратди. Анъанага кўра, беданалар, ғуррақлар, қаптарларни биринчи бўлиб овлашга рухсат берилди. Бу қушларни овлаш августоийн ўрталаридан бошланган бўлиб, 8 ноябргача давом этади.

Қуз ойларида шимолий ўлкалардан турли хил қушларнинг оммавий равишда учиб келиши бошланади. Ғозлар, денгиз ва дарё ўрдаклари осмондан бирин-кетин учиб ўтади. Маълумки, сувда сузувчи қушларни ов қилиш юртимиздаги ҳаваскорларнинг севимли машғулотларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан барча турдаги ўрдаклар, ғозлар, лойхўракларни 25 сентябрдан 26 декабргача ов қилишга рухсат берилади.

Энг муҳими шуки, овчиларга ўзлари ишлаган хўжаликларда, ўзлари муҳофаза қилган ерларда ов қилиш имкониятлари яратиб берилиши керак. Шу асосда биз қушларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш учун қурашишга қулай шароитлар яратиб берган бўламиз.

Каклик ва улар каби қанотлиларни овлаш муддати 15 октябрдан очилади ва келгуси йилнинг 15 январигача давом этади. Қирғовулларни фақат ёзиб қўйиладиган хўжаликларда 16 октябрдан 26 декабргача ов қилиш мумкин.

Ўтган йиллардаги каби бу йил ҳам ҳафтанинг сешанба, чоршанба, пайшанба кунлари тинч кунлар деб эълон қилинади. Демак, бу кунларда ёввойи паррандаларни ҳар қандай ов қилиш таъқиқланади. Шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир киши божмонлар билан ов қилмайди, албатта. Кўпчилик бу иш билан мустақил равишда шуғулланади. Бундай дамларда улар виждон амрига бўйсинишлари керак. Илгаримизда овчилар орасида ажойиб одат бўларди. Улар ов пайтларида бир-бирлари билан учрашганларида овчилик билетларини кўрсатишлар, шу тариқа ўзларининг бу борадаги қонун ва қоидаларни бузувчи кишилар эмасликларини билдиришар эди. Бу анъана тикланса, ёмон бўлмасди.

Республикамиз мамлакатимизнинг ов қилинадиган районлари жумласига кирмайди. Бизда бу севимли машғулот спорт характерига эга бўлиб, мўйна ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш иқтисодий аҳамиятга молиқдир. Тулқилар, қорсаклар, сахро ва тўқай мушуклари, савсарлар, олақўзанларни овлаш йўли билан мўйналар тайёрланади. Бу жониворларни ов қилиш мавсуми 1 ноябрда очилади ва келгуси йилнинг 15 февралида ниҳоясига етади. Савсарларни фақат ижозатномалар билан ов қилишга рухсат берилади.

Ондатраларни тутишнинг ҳам ўз муддатлари бор. Уларни 10 октябрдан 30 ноябргача «Узбекбирлашув», ва «Узбекохотриболовсоюз»нинг ихтисослашган хўжаликларидагина ушлашга рухсат берилади. Қўйларни шу йилнинг 15 октябридан келгуси йилнинг 15 январигача овлаш мумкин. Қорақалпоғистон АССР, Бухоро, Навоий ва Қашқадарё областларида қуёнлар, тулқилар, қорсаклар, ёввойи мушуклар, олақўзанлар, латчаларни ов қилиш таъқиқланади.

Мўйнали ҳайвонларни ушлаш билан шуғулланадиган кишилар тайёрлов идоралари билан тузилган шартномалар, тегишли ташкилотлар ва хўжаликлар ижозатномасига эга бўлишлари даркор.

Ёввойи чўчқаларни 18 сентябрдан 26 ноябргача, архарлар, бўрсиқлар ва жайраларни 18 сентябрдан 28 декабргача овлаш мумкин. Тўнғизлар ва архарларни ов қилиш учун Узбекистон ССР Ўрмон хўжалиги министрлигининг ижозатномалари бўлиши керак. Ижозатномалардан фойдаланиш муддатлари 15 кун. Ижозатномалардан фойдаланиш, шунингдек, қўлга туширилган жониворларни рўйхатдан ўтказиш, расмийлаштириш тартибларига риоя қилмаган, уларни ўз вақтида топширмаган кишилар тартиббузарлар журналига киради.

Бу йилги ов мавсумининг яна бир хусусияти шуки, тунги вақтларда чироқлар ва прожекторлар билан ов қилиш таъқиқланади. Ов назорати территориал органлари билан келишувга мувофиқ, ердан фойдаланувчилар берган буюртмаларга кўра, 1 августдан тўнғизлар экинзорлар, полизлар, томорқалар, ўрмонлар ва боғларга зарар етказадиган ерларда уларни итлардан фойдаланмаган ҳолда ов қилишга рухсат берилди. Бурчмулла ўрмон-овчилик хўжалиги ерларида ва уларга туташ совхоз ерларида Узбекистон ССР Ўрмон хўжалиги министрлиги ижозатномалари билан ов қилиш мумкин.

Асосий ов қилинадиган ерлар овчилик жамиятларига ёзиб қўйилиши муносабати билан тегишли жамиятларнинг варақаларисиз барча ерларда бу иш билан шуғулланиш таъқиқланади. Тартиббузарлар қўлидаги қуроллар, бу иш билан қонунга хилоф равишда ушланган қуш ва ҳайвонлар тортиб олинади. Айбдорларга 50 сўмгача жарима солинади. Улар табиат бойликларига етказган зарарлари учун ҳам жарима тўлашга мажбур бўладилар.

Лекин табиий бойликларни муҳофаза қилиш ов қоидаларини бузувчи кишиларга қарши кураш билангина чегараланиб қолмайди. Ҳар бир овчининг бурчи жонли табиатни муҳофаза қилиш учун курашдан иборатдир.

Суҳбатни М. МАҲМУТОВ олиб борди.

Телевидение

ЖУМА

10 СЕНТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан олиб кўрсатилади.
10.10 Д. Д. Шостакович номли квартет чалади.
10.40 «Асли болаликдан». Ю. Олеша.
11.25 Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақида телевизион илмий-оммабоп фильмлар программаси.
12.00 Совет композиторларининг қўшиқларини РСФСР халқ артисти Р. Ибрагимов ижро этади. Қозондан олиб кўрсатилади.
12.25 М. Дудин поэзияси.
12.55 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Танкчилар кунига. Ҳужжатли фильмлар программаси.
16.15 Рус тили.
16.45 «Эфиопия пойтахти — Аддис-Абеба». Киноочерк.
17.05 «Москва ва москваликлар».
17.35 «Хайр, ёз фасли». Мактаб ўқувчилари учун киноконцерт.
18.15 Енгил атлетика бўйича Европа чемпионати. Грециядан олиб кўрсатилади.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ҳамдўстлик».
19.55 «Уруш ва тинчлик». Бадиий фильм. 4-серия. «Пьер Безухов».
21.30 «Время».
22.00 «Руде право» газетасининг совғини учун хоккей бўйича халқаро турнир. ЧССР — СССР терма командалари. Чехословакиядан олиб кўрсатилади.
00.15 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 Илмий-оммабоп фильм.
9.35 ва 10.35 Тарих. 4-синф. Қадимги Киевда.
10.05 ва 13.40 Инглиз тили.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари учун. Умумий биология.
11.35 ва 12.40 Қиссалар. 5-синф.
12.05 СССР халқ ўқитувчиси Ж. У. Утуров ҳақида кўрсатув.
13.10 Ўқитувчи экрани. Тарих. 6-синф.
14.10 И. С. Никитин. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари.
14.55 Қадимий санъат ёдгорликлари.
15.25 Гомер. «Одиссея». 1-кўрсатув.
16.25 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Кимнинг нима иши бор». Илмий-оммабоп фильм.
19.00 «Ангарадаги ўрмон химияси гигантлари». 2-кўрсатув.
19.30 «Қўшиқ инсон билан қолади».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 М. Исаковский. «Ельнин тупроғида».
21.15 «Дархан». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
21.30 «Время»
22.00 «Грузияфильм» киностудияси қисқа метражли бадиий фильмлари программаси.

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 Рус адабиёти. А. С. Пушкин. Ҳаёти ва саҳифалари. Болдино [рус.].
12.00 «Беш кун ва бир тонг». Ҳужжатли телевизион фильм.
12.30 Жамиятшунослик. Фалсафанинг асосий масаласи.
13.00 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув [қозоқ тилида].

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Тонгги куй», «Қизғанчиқ Кузя». Болалар учун кўғирчоқ фильмлар.
18.20 «Санъатга йўл». А. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик институти [такрорий].
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Қуёнчилик — муҳим соҳа».
20.00 «Дунё воқеалари».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ёшлар куйлаганда». Концерт.
21.30 Москва. «Время».

«ҚИШЛОК ҲАҚИҚАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41*

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 33-44-43 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретари — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-28. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. — 07410. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босма хонаси, Тошкент шаҳри, Индекс 64543. А. 1109. 14